Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

● 2014-yil, 7-yanvar. Seshanba ● 3 (31.750) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП: МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни қай даражада бажараяпмиз, деган саволни ўзимизга беришимиз лозим.

Сайловолди дастури ижроси таҳлил этилди

ҳамда навбатдаги долзарб вазифалар белгилаб олинди

Президентимизнинг Конституция кунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини янада ошириш, кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш, партиялараро рақобатни кучайтириш борасида билдирган фикрларини ўрганиш, таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис Ўзбекистон Халқ демократик партияси барча минтақавий кенгашларда мазкур масалани депутатлар, партия фаоллари, электорат вакиллари орасида кенг тарғиб қилмоқда, ундан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ҳамда учрашувлар ташкил этмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Сирдарё вилоят партия кенгашида ўтказилди. Унда партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, халқ депутатлари Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари аъзолари, маҳаллий партия ташкилотлари раислари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этди.

► *Давоми 2-бетда.*

ХУШХАБАРЛАР

Соғлиқни сақлаш мажмуаси

фойдаланишга топширилди

Чироқчи туманида яна бир эзгу ишга қўл урилди — Марказий шифохонада улкан янгиланишлар амалга оширилди.

Лойиҳа қиймати 8 миллиард 120 миллион сўмлик маблағ ҳисобига «Бинокор» МЧЖ томонидан туғуруқ ва яна иккита бўлим капитал таъмирланди. 3 қаватли 160 ўринга эга даволаш корпуси биноси қайта тикланди.

— Қурувчилар меҳнатидан мамнунмиз, — дейди **туман соғлиқни сақлаш бирлашмаси бошлиғи, ЎзХДП вилоят кенгаши депутати Холиёр Қодиров.** — Муҳими, даволаш бўлимлари бир жойда жамланди. Эндиликда беморлар янги замонавий тиббий ускуналар ёрдамида даволаниш имкониятига эга бўлди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Кучлилар сафида

Буюк Британиянинг Гастингс шаҳрида ўтказилган «Hastings Masters» шоҳмот фестивалида ҳамюртимиз Жаҳонгир Воҳидов кучли бешликдан жой олди.

Дунёнинг йигирмадан зиёд мамлакати шоҳмотчилари иштирок этган мусобақа якунида етти нафар спортчи олти яримтадан очко жамғарди. Ўзбекистонлик истеъдодли шоҳмотчи Жаҳонгир Воҳидов беш ғалаба ва учта дурангга эришиб, 95 нафар иштирокчи ўртасида бешинчи ўринни эгаллади.

Ўз мухбиримиз.

Жиззах вилоят партия кенгаши «Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ЎзХДП ташкилотлари, депутатлик гуруҳларининг вазифалари» мавзусида семинар ўтказди. Унда партия фаоллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, йирик бошланғич ташкилотлар етакчилари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари вакиллари иштирок этди.

АМАЛИЙ ВА ТАЪСИРЧАН ТАДБИР

иштирокчиларга фойда беради, партия фаолиятини кучайтиради

Семинарда партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳларининг ўтган йилги фаолияти танқидий таҳлил этилди. 2014 йилда улар олдидаги вазифалар хусусида фикр алмашилди.

— Очиғи, у ёки бу тадбирга узоқ-яқин йўл босиб келамиз, — деди **Зафаробод туман партия кенгаши раиси Холмурод Ережепов.** — Ундан нимадир олишга, фаолиятимиз учун керакли тажрибаларни, иш услубларини ўрганишга ҳаракат қиламиз. Шу маънода, бугунги тадбирни мазмунли, самарали ва фойдали бўлди, дейишга асосимиз бор. Хусусан, мен электорат манфаатларига жавоб берадиган ижтимоий аҳамиятга эга масалаларни ҳал этишда маҳаллий ташкилотлар, депутатлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, бу борада мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишимиз зарурлигини англадим.

► *Давоми 2-бетда.*

Ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд кишилар манфаати

фаолиятимизда устувор аҳамиятга эга бўлиши керак

2

ЎзХДП: «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

Келажакка ишонч

бизни янада фаолликка ундайди

Ёшларни сиёсий фаолиятга, партия ҳаётига қизиқтириш, уларда мамлакатимиз ҳамда унинг атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш бизнинг асосий вазифаларимиздан ҳисобланади.

2

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ассалому алайкум, ҳурматли газетхон!

Янги йилда сиз билан яна дийдорлашиб турганимиздан мамнунмиз. Газетамизга обуна бўлганингиз учун миннатдорлик билдирамиз. Биз яна йил бўйи сизга қадрдон дўст, яқин ҳамроҳ ва сирдош бўлишга, ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламиз.

Газетага обуна бўлган киши уни ўз вақтида олиб ўқишни истайди, албатта. Газетамиз уйингиз ёки ишхонангизга ўз вақтида етиб боришига почта бўлимлари билан биргаликда биз ҳам масъулмиз. Ушбу масалада бирор муаммо бўлса, таҳририятимизга дарҳол қўнғироқ қилишингиз ёки ёзма равишда хабар беришингизни сўраймиз.

Телефонлар: 233-65-45, 233-81-97.
Факс: 233-65-45
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

ЁШЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

Олтинсойдаги маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида туман ҳокимлиги, ЎзХДП кенгаши, прокуратура, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ташкил қилинди. Унда олтмишга яқин корхона, ташкилот ва муассаса 214 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Қатнашчилардан 85 нафари янги иш ўринлари билан таъминланди.

3

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

СОҒЛОМ АВЛОД

соғлом оилада камол топади

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик таъминланиб, барча соҳаларда улкан юксалишга эришилаётган экан, бу бутун халқимизнинг ютуғидир. Бу бизни ягона мақсадга — юртимиздаги тинчлик-осойишталикни қадрлаб, халқимиз танлаган мустақил тараққиёт йўлини изчил давом эттиришга ундайди.

3

Келгуси сонларда:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан Паркент туманида Соғлом бола йилида партия ташкилотлари фаолиятининг муҳим йўналишлари, сиёсий партияларнинг демократик жараёнларни чуқурлаштиришдаги таъсир кучини ошириш вазифаларига бағишланган амалий семинар ўтказилди.

Семинар тафсилотлари билан газетамизнинг келгуси сонларидан бирида танишишингиз мумкин.

ЎзХДП: МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни қай даражада бажараяпмиз, деган саволни ўзимизга беришимиз лозим.

Сайловолди дастури ижроси таҳлил этилди

ҳамда навбатдаги долзарб вазифалар белгилаб олинди

Йиғилишда **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Рустам Комилов** иштирок этиб, мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Президентимизнинг Конституция кунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида сиёсий партиялар фаолиятига тўхталиб, бугунги кунда улар зиммасидаги муҳим вазифаларга эътибор қаратди. Билдирган фикрлари ҳар бир сиёсий партияни ўз фаолиятига танқидий ёндашиб, келажак режалар хусусида чуқур ўйлаб кўришга ундайди, — деди у. — Шу боис биз аввало, Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни қай даражада бажараяпмиз, деган саволни ўзимизга беришимиз лозим.

Айтиш керакки, бизнинг асосий кучимиз — бу маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз. Уларнинг имконият ва ваколатларидан самарали фойдаланиш масаласи биринчи ўринда туриши лозим. Айтайлик, депутатлик гуруҳи бир масалани туман Кенгаши сессиясига олиб чиқди ёки Жамоатчилик қабулхонасига тушган мурожаатни ўрганиб, депутатлик сўрови орқали ҳал этди. Бу масала ечим топди дегани эмас. Бу ишнинг биринчи босқичи холос. Эндиги навбат электорат манфаатларига доир масалаларни комплекс ҳал этиш, унга жамоатчилик эътиборини қаратиш, вилоят, республика даражасига олиб чиқишдир. Шу орқали партиянинг мамлакат тараққиёти, жамият ривожидаги иштирокини фаоллаштиришимиз лозим.

Бундан ташқари сиёсий партия давлат Дастурлари, мамлакат миқёсидаги муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар, бир сўз билан айтганда, мамлакат келажаги юзасидан ўз таклифларини бериши лозим. Ана шундагина партиямиз сиёсий куч сифатида жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллайди.

Бунинг учун биринчи навбатда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада кучайтириш керак. Айниқса, ҳудудий ташкилотлардаги тарғибот ишларини жонлантириб, аҳолига партиямиз ғоя ва мақсадларини чуқур тушунтириш, бошқа сиёсий партиялардан ғоявий жиҳатдан устун томонларини очиб бериш лозим.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
ЎзХДП Сирдарё туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Юртимизда кечаётган демократик янгиланишлар, олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар энг аввало, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар зиммасига жиддий вазифаларни қўймоқда. Ана шу жараёнларни чуқур англаган ҳолда депутатлик гуруҳидаги 13 нафар депутатимизга талабни ошираяпмиз, улар фаолиятини кучайтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Хусусан, жорий йилда икки масалани халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига олиб чиқишга эришдик. Жумладан, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этишга доир масала депутатлик гуруҳимиз томонидан чуқур ўрганилди. Аҳолига сифатли коммунал хизмати кўрсатиш, тумандаги ички йўлларни таъмирлаш билан боғлиқ айрим камчиликлар аниқланди.

Ушбу масала ҳам сессияда муҳокама этилганидан сўнг тегишли қарор қабул қилинди. Ҳозирда қарор ижроси юзасидан депутатлик назорати ўрнатилган.

Исматулла ИСОҚОВ,
ЎзХДП Янгиер шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Дастурий мақсадларимизга эришиш, электоратни ўйлантираётган масалаларни чуқур ўрганишда бошланғич партия ташкилотлари имкониятларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиясига киритилаётган масалаларни ўрганишда уларнинг ёрдами катта бўлаяпти. Ҳозирда 2014 йил учун бошланғич ташкилотлар билан ишлаш режасини ишлаб чиқаяпмиз. Унга кўра БПТларда Ҳаракат дастури ижроси, қабул қилинаётган Қонунлар мазмун-моҳияти тарғиботи, Соғлом бола йили муносабати билан аҳолининг тиббий маданиятини оширишга қаратилган семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ўтказилади.

Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

Сарвар СУЛТОНОВ,
ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий масалалар бўлими мудири:

— Яқинда депутатлар, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Гулистон шаҳридаги 10 та кўп қаватли уйларда таҳлил ва сўровлар ўтказди. Унга кўра, мазкур уйлардаги коммунал хизматларнинг аҳволи, у ерда истиқомат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож, жисмоний имконияти чекланган кишилар, пенсионерлар, ёлғиз кексалар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдик. Ўрганиш натижаларига кўра, аниқланган айрим камчиликлар, ҳал этилиши зарур бўлган масалалар юзасидан тегишли ташкилотларга тавсиялар берилди, депутатлик сўровлари юборилди. Албатта, бу саъй-ҳаракатлардан кўзланган асосий мақсад бизга ишонган кишилар манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш, партиямиз олдида турган долзарб вазифаларни ҳал этишдир. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, бундай амалий ишларимиз аҳоли ўртасида партиямиз нуфузини янада оширади.

Йиғилишда, шунингдек, ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Алишер Тошматов, ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзоси Ҳаётхон Ортиқбоева, ЎзХДП Боёвут туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Раббимқул Ибрагимов, «Истиқбол» ёшлар қаноти Сирдарё вилоят бўлими етакчиси Мурод Ҳаитов, Гулистон давлат университети ўқитувчиси, партия фаоли Ўғилой Эрбўтаева ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилиш якунида кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

Биз нафақат ёш сиёсатчи кадрларни тайёрлаш, балки, соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантириш масалаларига ҳам эътибор қаратишимиз зарур. Бунинг учун ёшларни оилага тайёрлаш, айниқса, уларнинг оила ҳуқуқи бўйича билимларини, тиббий маданиятини юксалтириш бўйича янги лойиҳаларни амалга оширишимиз зарур.

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ

бизни янада фаолликка ундайди

Тошкент шаҳрида партиямиз аъзоларининг 14 минг нафардан ортиғини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Сафимиздаги йигит-қизлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, сиёсий маданияти, етакчилик қобилиятини ривожлантириш «Истиқбол» ёшлар қанотининг асосий мақсадларидан биридир.

Шу сабабли ҳам биз биринчи навбатда ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш, юртимизда ҳамда дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида мустақил фикри, фуқаролик муносабатини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Мисол учун Сергели, Юнусобод, Яккасарой туманларида «Жамиятни янада демократлаштиришда ёшларнинг ўрни ва фаоллигини ошириш», «Ёшлар — юрт келажаги», «Биз Ватанимиз ривожига ҳисса қўшамиз», «Ёшлар фаоллигини ошириш — долзарб масала» каби қатор мавзуларда ўтказилган семинар, давра суҳбатлари кўпчилик иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Энг муҳими, партиямизнинг ёш аъзолари учрашув ва давра суҳбатларида шунчаки қатнашчи эмас, балки мавзу юзасидан ўз эркин фикрларини, қарашларини баён этадиган бўлди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, мазкур тадбирлар ёшларнинг ижтимоий онги, ҳаётга муносабати ўзгариб, сиёсий фаоллиги, ташаббускорлиги ошишига хизмат қилмоқда.

Демак, биз йигит-қизларни сиёсий фаолиятга, партия ҳаётига, мамлакатимиз ҳамда унинг атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдиришга қизиқтира олаяпмиз.

Соғлом бола йилида қанотимиз зиммасида янада катта, масъулиятли вазифалар турибди. Биз нафақат ёш сиёсатчи кадрларни тайёрлаш, балки, соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантириш масалаларига ҳам эътибор қаратишимиз зарур. Бунинг учун ёшларни оилага тайёрлаш, айниқса, уларнинг оила ҳуқуқи бўйича билимларини, тиббий маданиятини юксалтириш бўйича янги лойиҳаларни амалга оширишимиз зарур.

Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга навқирон ёшларимиз ҳаётга ишонч билан кириб келмоқда, жамиятимизда мустаҳкам ўрин олмоқда ва мамлакатимизнинг тараққиёти йўлида ҳал қилувчи кучга айланмоқда, деб алоҳида таъкидлаб, биз ёшларга катта ишонч билдирди. Бу юксак ишончни оқлаш учун янада фидойи ва фаол бўлишимиз зарур.

Дурбек ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси.

Амалий ва таъсирчан тадбир

иштирокчиларга фойда беради, партия фаолиятини кучайтиради

Амалий семинарда Жиззах давлат педагогика институти профессори Фания Аҳмедшина Соғлом бола йилида фарзандларимизнинг мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида пухта билим олишлари, тарбия топишлари учун яратилаётган шароитларни маҳаллий партия ташкилотлари, депутатлар томонидан мунтазам мониторинг қилиб борилиши зарурлигини таъкидлади.

Тадбирда ЎзХДП Марказий Кенгаши ташкилий кадрлар бўлими мудири Зокиржон Холматов Соғлом бола йили муносабати билан маҳаллий партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари олдида турган муҳим вазифалар, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Акром Иномов депутатлик гуруҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари, Жиззах шаҳар партия кенгаши раиси Носир Сиддиқов партия дастурий мақсадларини тарғиб қилиш ва электорат билан ишлашда бошланғич ташкилотлар имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш борасида ўз мулоҳазаларини билдирди.

Семинарда жойлардаги партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари, депутатлар давлат ва жамият қурилиши, мамалакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар юзасидан аниқ позицияга эга бўлиши лозимлиги қайд этилди. Бунда жамоатчилик ва депутатлик назорати, депутатлик сўрови, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарларининг партия электорати учун устувор бўлган ижтимоий масалалар бўйича ҳисоботларини эшитиш сингари тажрибалардан кенг фойдаланиш кераклиги уқтирилди.

Тадбир қатнашчиларининг фикрича, бугун қуруқ ваъдалар, баландпарвоз гаплар билан мақсадга эришиб бўлмайди. Аксинча, аниқ натижаларга қаратилган, ижтимоий аҳамиятга эга амалий ишларгина самара беради. Айниқса, электорат билан ишлаш механизмларини такомиллаштириб бориш, маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари, сессиялари муҳокамасига аниқ таклифларни киритиш муҳим аҳамият касб этади.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

◀ *(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд кишилар манфаати

фаолиятимизда устувор аҳамиятга эга бўлиши керак

ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши ташаббуси билан «Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг вазифалари» мавзусида семинар ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари масъул ходимлари ҳамда партия фаоллари иштирок этди.

— Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда Президентимиз Олий Мажлис палаталарининг ролини янада ошириш, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ижро органлари фаолияти устидан назоратини кучайтириш, энг муҳим стратегик масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш учун Конституциямизга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Комилжон Очилов.** — Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ва жойлардаги ижро ҳокимияти органларининг масъулиятини ошириш, Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларда уларнинг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиш ва тегишли хулосалар чиқаришни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётганини алоҳида қайд этди. Демак, Олий Мажлисдан тортиб, маҳаллий Кенгашлар депутатлари зиммасидаги масъулият янада кучайди. Депутатлик назорати, депутатлик сўрови каби таъсирчан механизмларни кучайтириш зарур.

Партия электорати манфаатлари билан боғлиқ масалалар бўйича мутасадди ташкилотлар раҳбарларига 211 та депутатлик сўрови юборилди.

Шунингдек, семинарда электоратни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш, партия Ҳаракат дастурида жорий йил учун белгиланган вазифалар ижроси ва бу борада тўпланган тажриба кўриб чиқилди.

Хусусан, дастур асосида ўтган йили ЎзХДП депутатлик гуруҳларида 15 дан ортиқ масала кўриб чиқилди. Доимий комиссиялар йиғилишларида 3 та масала муҳокама этилган бўлса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларига 11 та масала олиб чиқилди. Партия электорати манфаатлари билан боғлиқ масалалар бўйича мутасадди ташкилотлар раҳбарларига 211 та депутатлик сўрови юборилди.

— Партиямиз Сайловолди дастурида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган, — деди **ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Саида Жўраева.** — Демак, ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ғояси Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадларига ҳамоҳангдир. Шундан келиб чиқиб, ижтимоий соҳадаги ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этишимиз, бунда депутатлар кучи ва салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишимиз керак.

Хўш, бу борада нималарга аҳамият бериш керак? Аввало, Соғлом бола йилида оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларида болаларни витамин-минераллар билан бойитилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича назорат-таҳлил фаолиятини изчил йўлга қўйиш керак. Мавжуд муаммоларни нафақат депутатлик, балки кенг жамоатчилик назорати ваколатларидан фойдаланган ҳолда ҳал этишга амалий ёрдам кўрсатиш лозим.

Семинарда билдирилган таклифлар умумлаштирилиб, шу асосида партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари зиммасига аниқ вазифалар юклатилди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Коллеж ўқувчилари орасида халқаро мусобақалар совриндорлари ҳам бор.

Бўлғуси тарбиячилар маскани

Янгиер педагогика коллежида ихтисослаштирилган ва бошланғич таълим, мактабгача таълим муассасалари тарбиячиси, жисмоний тарбия, болалар спорти ва мусиқа бўйича мураббий ҳамда компьютерларни таъмирлаш техниги каби йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланади.

Мазкур таълим даргоҳида шунингдек, ўғил-қизларни чет тилларини ўрганиши масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, келинмоқда. Айниқса, ўқувчиларнинг инглиз тилини яхши ўзлаштириши, оғзаки ва ёзма нутқини шакллантириш борасидаги ишлар эътиборга сазовордир.

— Коллежимизда тез-тез очиқ дарслар ўтказилади. Ушбу тадбирларда туманимизда жойлашган академик лицей, касб-ҳунар коллежи ўқитувчилари, жамоатчилик вакиллари иштирок этади, — дейди **ЎзХДП аъзоси, коллеж директори Сирожиддин Муҳаммадиев.** — Шунингдек, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш борасида мактаб ва мактабгача таълим, ҳамда болалар спорти муассасалари билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бизга яхши маълумки, ўқувчиларимизнинг келгусида юқори малакали тарбиячи бўлиб шаклланишида педагогик амалиётнинг аҳамияти катта. Шуни ҳисобга олган ҳолда ушбу жараёнга энг тажрибали ўқитувчилар жалб қилинган.

Бугунги кунда коллежда фан бўйича 28, спорт йўналишида 4 ва бошқа соҳалар бўйича жами элликка яқин тўгараклар фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунинг учун ҳам коллеж ўқувчилари орасида халқаро, республика мусобақалари совриндорлари бор.

Коллеж жамоаси истеъдодли ўқувчи Шоҳруҳ Абдусатторов билан ҳақли равишда фахрланади. У таэквандо бўйича Испанияда ўтказилган халқаро турнир совриндори, шунингдек, Италияда бўлиб ўтадиган нуфузли мусобақа йўлланмасини қўлга киритган.

Коллежда минг нафардан зиёд ўқувчига 70 нафарга яқин ўқитувчи таълим-тарбия бериб, келмоқда. Мазкур даргоҳ 2011 йилда капитал реконструкция қилиниб, давлат таълим стандартларига мос равишда замонавий мебеллар, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан таъминланди. Ахборот-ресурс марказида эса 20000 дан зиёд илмий ва бадиий адабиётлар мавжуд.

Альбина ЖУМАНОВА

O`ZBEKISTON OVOZI
● 2014-yil, 7-yanvar.
Seshanba ● 3 (31.750)-son
www.uzbekistonovozi.uz

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Ўзбекистон аскари фақат ўз Ватани, ўз халқи тинчлиги ва дахлсизлигини ҳимоя қилади

Армиямиз — тинчлик ва тараққиётимиз посбони

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 20 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ёшларни ҳарбий хизматга саралаш жараёни бошланди. Ҳарбий хизматга отланган йигитлар тиббий кўрик ва синовлардан ўтмоқда.



Миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш — шарафли иш. Аскарлик — баркамоллик белгиси. Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Фақат жисмоний машқларда чиниққан, маънавий ва интеллектуал жиҳатдан камолга етган йигитларгина ҳарбий форма кия олади.

Собиқ тузум даврида юртимиз ўғлонлари ўз тупроғи қолиб, узоқ ўлкаларда хизмат қилар эди. Бу турли миллатга мансуб йигитларни жипслаштиради, деб оламга жар солинсада, аслида ҳаётда мутлақо акси эди. Масалан, Марказий Осиёдан борган аскарлар асосан қурилиш батальонларига, оғир ишларга жалб этилар, уларга беписанд назар билан, «иккинчи сорт одамлар» сифатида қаралар эди.

Ҳарбий хизматдаги носоғлом муҳит оқибатида қанча йигитлар жувонмарг кетгани ёки уйига майиб-мажруҳ бўлиб қайтганини кўпчилик изтироб билан эслайди. Биргина 1989 йилнинг ўзида, тинчлик даврида, 430 нафар ўзбекистонлик аскарнинг нобуд бўлгани бунинг далилидир. Ўша пайтларда ота-оналар фарзандларини армиядан олиб қолишга ҳаракат қилгани, жўнатса ҳам, йиғи-сиғи, хавотир билан кузатгани бежиз эмас.

Мустақиллик шарофати билан халқимиз тинчлик-хотиржамликка, рўшноликка эришди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий армиямиз ташкил этилиб, ғам-андуҳлар, ҳадик ва хавотирлар ариди. Энди Ўзбекистон ўғлонлари ўз юртида, ўз юртига, ўз халқига, ўз Президентига садоқат билан хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари мамлакатимиз сарҳадлари ва халқимиз осойишталиги ҳимоясида собит. Ҳарбий қисм ва бўлинмаларда соғлом маънавий-руҳий муҳит, юксак маданият қарор топган. Миллий армиямиз сафида хизмат қилаётган йигитлар жисмонан соғлом ва бақувват, юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлиб етишмоқда. Шу боис ёшларимиз орасида армияда хизмат қилишга қизиқиш ва интилиш тобора кучайиб бораётир.

Давлатимиз мустақилликнинг илк йилларидан тинчликпарвар сиёсат юритиб келаётир. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Мудофаа тўғрисида»ги, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги, «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ва бошқа қатор қонунлар мамлакатимизда барқарорликни таъминлашнинг, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик, ҳамжиҳатликнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун бу борадаги яна бир муҳим ҳужжат бўлди. Ушбу қонунда давлатимиз ташқи сиёсатининг асослари, стратегик устувор йўналишлари, халқаро майдондаги мақсад ва вазифалари билан бирга миллий хавфсизликни таъминлаш, юртимиздаги тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш принциплари ҳам ўз ифодасини топган.

Мамлакатимиз ташқи сиёсати миллий манфаатларнинг устуворлиги, халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя этиш, баҳсли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш тамойилларига асосланади.

Концепцияда алоҳида таъкидланганидек, мамлакатимиз Қуролли Кучларини шакллантиришдан кўзланган бирдан-бир мақсад — давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинчлиги ва хавфсизлигини мудофаа қилишдан иборат.

Ўзбекистон тинчликсевар сиёсат юритади ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди, ҳар қандай давлатлараро тузилмалар ҳарбий-сиёсий блокка айланган тақдирда, улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Ўзбекистон ўзининг қўшни давлатлардаги қуролли можароларга ва қарама-қаршиликларга тортилишининг олдини олиш учун тегишли чоратадбирларни кўради. Ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди.

Сир эмаски, бугунги кунда йирик давлатлар ўртасида геосиёсий рақобат тобора кучайиб бормоқда. Турли ҳарбий-сиёсий бирлашмалар тузилиб, бошқаларни таъқиб остига олишга уринишлар сезилмоқда.

Ўзбекистон аскари давлатимиз чегарасидан бир қадам ҳам ташқарига чиқмайди. Фақат ўз Ватани, ўз халқи тинчлиги ва дахлсизлигини ҳимоя қилади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда қўлга киритилган ютуқ ва марраларнинг асоси, энг катта бойлигимиз — юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик, миллатлараро тотувликдир. Бу бойликни асраб-авайлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, юртимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда миллий армиямизнинг алоҳида ўрни бор.

Шу боис жамоатчилигимиз ҳарбийларни тинчлик-осойишталик посбонлари сифатида эъзозлайди. 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини бутун халқимиз байрам қилади.

Ватан фақат жанг майдонида ҳимоя қилинмайди. Ўз ишини фидойилик билан бажариб, мамлакатимиз равнақига фаол ҳисса қўшиш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик-осойишталикни асраб-авайлаш ҳам элу юртни мудофаа қилишдир.

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик таъминланиб, барча соҳаларда улкан юксалишга эришилаётган экан, бу бутун халқимизнинг ютуғидир. Бу бизни ягона мақсадга — юртимиздаги тинчлик-осойишталикни қадрлаб, халқимиз танлаган мустақил тараққиёт йўлини изчил давом эттиришга ундайди.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Сайёрамиз аҳолиси

7 миллиард 137 миллиондан ортди

АҚШнинг аҳолини рўйхатга олиш бюроси маълумотларига асосланиб хабар тарқатилишича, жорий йилнинг 1 январида сайёрамиз аҳолиси 7 миллиард 137 миллион 577 минг 750 кишига етди. Ўсиш ўтган йилнинг янги йил кунига нисбатан 77 миллион 630 минг 563 кишини, яъни 1,1 фоизни ташкил этди. Асосий ўсиш Ҳиндистон зиммасига тўғри келди — 15,6 миллион кишига кўпайган. Бу борада мазкур мамлакат ҳатто Хитой, Нигерия, Покистон ва Эфиопиядан ҳам ўзиб кетди.

Ер шари аҳолиси сонининг 7 миллиардлик кўрсаткичи 2012 йилда қайд қилинган. Ўсиш шу даражада давом этса, 2025 йилга бориб дунё аҳолиси 8 миллиард кишига етади.

БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси («UNFPA») маълумотларига қараганда, аксарият мамлакатларда аҳолининг ўсиши кузатилаётган бўлса, Россия, Беларусь, Болгария, Куба, Руминия ҳамда Украинада аксинча пасайиш қайд этилмоқда ва бу аср ўрталарига бориб 15 фоизни ташкил қилади.

Хитой билан Ҳиндистон аҳолиси сони 2028 йилга бориб тенглашади, яъни 1,45 миллиард кишига етади. Шундан сўнг эса Ҳиндистон Хитойдан ўза бошлайди.

«UNFPA» мутахассисларининг таъкидлашича, яқин ўн йилда сайёрамиз аҳолисида кексайиш жараёни бошланади. 60 ёшдан ошганлар сони 2100 йилга бориб уч баробарга кўпаяди — 3 миллиардга яқин киши бу ёшдан ўтган бўлади.

Яна бир гап. Британия олимлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2005 йилдаги маълумотларини таҳлил қилиб, Ер юзи аҳолисининг умумий оғирлиги тахминан қанчалигини ҳисоб-китоб қилиб чиқдилар. Айни пайтда катта ёшдаги одамларнинг ўртача оғирлиги 62 килога тенг экан. Бироқ айрим мамлакатларда бу кўрсаткич юқори бўлса, баъзи давлатларда аксинча. Масалан, АҚШ, Мексика аҳолисининг ўртача вазни 80,7 килони ташкил этгани ҳолда Осиёда бу рақам 57,7 килограммдир.

Дунё аҳолисининг умумий оғирлиги шартли равишда 287 миллион тонна, деб ҳисобланмоқда. Унинг 15 миллион тоннаси ортиқча вазнга эга инсонлар, 3,5 миллион тоннаси эса семизлик касалига дучор бўлганлар ҳисобига тўғри келаркан.

Яна бир жиҳат шуки, Осиё мамлакатлари аҳолиси дунё аҳолисининг 61 фоизини ташкил этгани ҳолда умумий оғирликнинг атиги 13 фоизини ташкил этмоқда холос.

Аммо олимлар Қувайт, Хорватия, Қатар, Миср давлатларини ҳам ортиқча вазнга эга аҳоли яшайдиган ўлка сифатида таъкидлашмоқда. Сабаби, бу мамлакатлар аҳолиси автомобилдан кўп фойдаланади. Бу эса кам ҳаракатлиликка олиб келади. Ваҳоланки, Япония ҳам ўта ривожланган давлатлар қаторига киради. Аммо ортиқча вазнга эга аҳоли бу мамлакатда камчиликдир.

Лат ўрнига евро

жорий этилди

2014 йилнинг 1 январидан эътиборан Латвияда евро пул бирлиги расмий муомалага киритилди, дея хабар беради ИТАР-ТАСС.

Таъкидлаш жоизки, янги йил кирмасдан аввал республика аҳолиси узундан-узоқ навбатда турмаслиги учун ўз жамғармаларидаги лат пулларини еврога алмаштиришни бошлаганлар. Шунга қарамасдан банклар ва унинг филиалларида одамлар тирбандлиги юзага келмоқда. Улар 6-8 соатлаб навбатда туришга мажбур бўлмоқда. Бу жараён 14 январгача давом этиши мумкин.

Янги йилнинг учинчи ҳафтасигача латда ҳар қандай тўлов амалга оширилишига расмий рухсат берилган. Қайтимни эса еврода олишмоқда. Учинчи ҳафтадан бошлаб лат муомаладан чиқарилади.

Эслатиб ўтамиз: Латвияда лат пул бирлиги 1993 йилдан бери амалда қўлланиб келинади. 2004 йили республика Европа Иттифоқига аъзо бўлиб киргач, евро зонасига аъзо бўлиш учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. 2013 йилнинг 28 июнида Европа Иттифоқи саммитида Латвиянинг еврозонага бирлашиши масаласи маъқулланди, 9 июлда эса Европа Иттифоқининг молия вазирлари Латвиянинг еврога ўтиш масаласини тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Дарвоқе, бугунги кунга келиб евро пул бирлиги муомалага киритилган давлатлар сони 18 тага етди. Бельгия, Германия, Греция, Испания, Франция, Ирландия, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Австрия, Финляндияда евро 2002 йилдан жорий этилган бўлса, 2007 йили Словения, 2008 йили Кипр ва Мальта, 2009 йили Словакия, 2011 йили эса Эстония еврозонага аъзо бўлган.

2014 йил

коинот ҳодисалари...

Новосибирсклик астрономлар жорий йилда коинотда қандай ҳодисалар кузатилишини олдиндан ҳисоб-китоб қилиб чиқдилар ва «BFm.ru» сайтида эълон қилдилар.

Уларнинг таъкидлашича, жорий йилда дунё аҳолиси Ойнинг 2 марта ва Қуёшнинг ҳам 2 марта тутилишини ҳамда 7 та комета ва 1 та астероидни кузатишлари мумкин. Яъни 15 апрелда Ойнинг 78 дақиқа давомида тўлиқ тутилишига Ғарбий ярим шар, аниқроғи, Жанубий ва Шимолий Америка аҳолиси гувоҳ бўлади. Антарктиданинг маълум қисмида ҳам ушбу ҳодиса содир бўлиш эҳтимоли бор. 29 апрелда эса Ҳинд океани ҳудудида, Австралия ҳамда Индонезиянинг жанубида яшовчи кишилар Қуёш тутилишини 6 дақиқа давомида томоша қиладилар.

Ойнинг кейинги тутилиши 8 октябрга тўғри келади. Буни Тинч океани ҳудудида яшаётганлар бемалол кўради. Бу жараён 59 дақиқа давом этади. Аммо Европа, Яқин Шарқ ва Африкада бу кўзга ташланмайди. Қуёшнинг кейинги тутилиши эса 23 октябрда АҚШ ва Канадада кузатилади.

Шунингдек, 9 апрелда Марснинг Ерга жуда яқинлашиши илмий ҳисоб-китобларда аниқланган. Шу боис олимлар айнан шу куни Марсни янада чуқурроқ ва яқиндан тадқиқ қилишга киришмоқчи. Шунингдек, биринчи ярим йилликда Сатурн, Юпитер ва Венера ерликларга тўлиқ ҳолда кўриниш беради. Нептун ва Уран сайёралари билан бўладиган бундай ҳолат кузда кузатилади.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Олтинсойдаги Маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида туман ҳокимлиги, ЎзХДП кенгаши, прокуратура, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ташкил қилинди. Унда олтмишга яқин корхона, ташкилот ва муассаса 214 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Қатнашчилардан 85 нафари янги иш ўринлари билан таъминланди.

Ёшлар иш билан таъминланди

ЎзХДП туман Кенгашида бандликни таъминлаш мақсадида мутасадди ташкилотлар билан доимий равишда мониторинг олиб борилмоқда. Ҳар ойнинг охирида натижалар муҳокама қилиниб, галдаги вазифалар белгилаб олинаяпти.

Туманда ҳар йили кўплаб маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, сервис марказлари, кичик бизнес субъектлари фойдаланишга топширилаётир. Бу эса аҳолини иш билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

— Ўтган йили аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган бўш иш ўринлари ярмаркаси олти марта ўтказилди, — дейди **Олтинсой туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори, ЎзХДП фаоли Баҳодир Тоғаев.** — Унда асосий эътибор коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашга қаратилмоқда. 2013 йилда 8 та касб-ҳунар коллежларини 2 минг 900 нафарга яқин йигит-қиз тугаллаб, мустақил ҳаётга қадам қўйди. Шуниси қувонарлики, тузилган шартномага мувофиқ, уларнинг 90 фоиздан ортиғи ўзлари танлаган касб бўйича ишга жойлашди.

Ҳудудда «2013 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури»га асосан ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, кичик корхона ҳамда микрофирмалар ташкил этиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уй меҳнатининг барча шаклларини ташкил этиш ҳисобига 6 минг нафарга яқин киши янги иш ўринларига эга бўлди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Давлат дастури ижросида

касаба уюшмалари иштирокига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг Обод турмуш йили Давлат дастури доирасида амалга оширган ишлари сарҳисоб қилинди ва янги вазифалар белгиланди.

Тадбирда мамлакатимизда фуқаролар манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уй-жой билан таъминлаш, улар учун янги иш ўринлари ташкил этиш, ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди. Бунда касаба уюшмаларининг ҳам алоҳида ўрни борлигига эътибор қаратилди.

Таъкидландики, 2013 йил ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд оилалар вакилларига 82 млрд. 446 млн. сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. 133 мингга яқин кам таъминланган оила фарзандларига болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиш учун йўлланмалар ажратилди. Касаба уюшмаларининг бевосита иштироки билан корхона ва ташкилотлар ҳамкорлигида республика миқёсида 2 минг 986 та, ёш оилалар учун йил давомида 27771 та янги иш ўрни яратилди. Меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш йўналишида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали Обод турмуш йилида касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда 38306 нафар фуқаро имтиёзли йўлланмалар асосида соғломлаштирилди. 1504 нафар ходим бепул йўлланма билан таъминланди. Касаба уюшмаларига қарашли соғломлаштириш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 18 млрд. 420 млн. 300 минг сўм маблағ йўналтирилди.

Тадбирда, шунингдек, ижтимоий ҳимоя масалаларига янада катта эътибор қаратиш, бу борада касаба уюшмаларининг нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлигини кучайтириш масалалари хусусида ҳам фикр билдирилди.

— Давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида амалга оширилаётган мазкур вазифалар мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг тобора ривожланиб бораётгани ва ташаббускорлиги ортаётгани натижасидир, — деди **Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева.** — Мазкур йўналишда ишимиз 3 томонлама ижтимоий шериклик, яъни давлат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга қаратилган мақсадли дастурларни амалга ошириш, соҳада меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, биргаликда турли тадбирлар ташкил этиш, ижтимоий аҳамиятга эга масалаларда ахборот алмашиш, мулоқот ва маслаҳатлашишни йўлга қўйишда ижтимоий шерикликнинг ўрни беқиёс. Федерациямиз Соғлом бола йилида давлат ва жамоат ташкилотлари олдидаги энг муҳим вазифалардан келиб чиқиб, яна кўплаб лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирган.

— Ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш касаба уюшмалари фаолиятининг энг асосий йўналишидир, — деди **Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши юридик бўлими мудири Диёрбек Кимсанов.** — 2013 йил давомида Касаба уюшмалари Федерацияси ва унга аъзо ташкилотларга 9,5 мингга яқин мурожаат тушди. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди. Ходимлар ҳуқуқини тиклаш мақсадида касаба уюшмалари томонидан судларга 54 та даъво ариза киритилди ва уларнинг 38 таси қаноатлантирилди, қолганлари иш юритувида. Касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги Ишонч телефонларига келган 2 мингга яқин мурожаат қаноатлантирилди.

Тадбирда ижтимоий шериклик-нинг шаклларини кенгайтириш, унинг ҳар бир йўналиши бўйича амалга ошириладиган ишларнинг мазмун-моҳияти ҳақида ҳам саволлар берилди ҳамда таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Басандабону ЖАЛИЛОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Каракалпакский филиал ООО «Агросаноат мулк маркази» сообщает:

5 февраля 2014 года в 12.00 часов по адресу: город Нукус, ул. А.Темура, дом 122

проводятся открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставляется на продажу: Автомашина марки «Газ-5312», 1984 года выпуска, гос.номер 23 AF 928 принадлежащий банкрот АО «ХАТП-15». Начальная цена — 327 000 сум.

Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9.00 по 18.00 ежедневно, кроме субботы и воскресенья. Прием заявок прекращается за один день до начала аукционных торгов. Покупатель вносит залог не менее 10 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества на р/с 20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 Каракалпакского филиала ООО «Агросаноат мулк маркази» в АК «Турон» банк.

Информацию об объектах выставляемых на торги можно получить по адресу: г.Нукус, ул. А.Темура, дом 122. Телефон для справок: (8-361) 222-55-84.

Уд.№006388

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ

жамоаси

халқимизни ва соҳа ходимларини Янги — 2014 йил билан табриклайди.

Соғлом бола йилида Ўзбекистоннинг барча болалари соғ-саломат бўлсин.

2014

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 160
21166 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.50
Topshirilgan vaqti — 00.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5